



ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ
ЭТИШ ЙЎЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Жамолов Жўрабек Жамолович -
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети докторанти

[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a5](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a5)

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантириш, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини таъминлаш ва қимматли хомашёни қайта ишлаш асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган кўшма замонавий ихчам корхоналарни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича такомиллаштириш йўллари тўғрисида баён этилган.

Калит сўзлар: “очиқ эшиклар” сиёсати, хорижий инвестиция, иқтисодий сиёсат, стратегия, экспорт имконияти, инвестиция фаолияти, инвестицион муҳит, инвестицион сифм, инвестицион лойиҳалар, инвестицион жозибadorлик, инвестицион сиёсат.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СПОСОБОВ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ИНОСТРАННЫХ
ИНВЕСТИЦИЙ В ЭКОНОМИКУ УЗБЕКИСТАНА

Жамолов Джўрабек Джамолович -
Докторант Ташкентского государственного
экономического университета

Аннотация. В статье изложены пути развития экономики Республики Узбекистан, совершенствования привлечения иностранных инвестиций для организации современных совместных малых предприятий, производящих готовую продукцию на основе переработки ценного сырья и обеспечения интеграции в мировую экономику.

Ключевые слова: политика «открытых дверей», иностранные инвестиции, экономическая политика, стратегия, экспортные возможности, инвестиционная активность, инвестиционная среда, инвестиционная емкость, инвестиционные проекты, инвестиционная привлекательность, инвестиционная политика.

IMPROVING WAYS TO ATTRACT FOREIGN INVESTMENTS TO
THE ECONOMY OF UZBEKISTAN

Jamolov Jurabek Jamolovich -
Doctoral student Tashkent State University of
Economics

Annotation. The article outlines the ways of developing the economy of the Republic of Uzbekistan, improving the attraction of foreign investment for the organization of modern joint small enterprises that produce finished products based on the processing of valuable raw materials and ensure integration into the world economy.

Key words: open door policy, foreign investment, economic policy, strategy, export opportunities, investment activity, investment environment, investment capacity, investment projects, investment attractiveness, investment policy.

Кириш. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён қулай ишлаб чиқаришни ривожлантиришни таъминлаш, иқтисодиётга жалб этилган инвестициялар самарадорлигини ошириш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг асосий масалаларидан бири бўлиб келмоқда. Қулай инвестиция муҳитини шакллантириш мақсадида иқтисодиётни либераллаштириш, давлат бошқарувини ислоҳ қилиш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш, инвесторларнинг бу борадаги давлат сиёсатининг изчиллигига ишончини мустақамлаш ҳамда инвесторлар билан ишлашда давлат тузилмаларининг масъулиятини ошириш, тадбиркорлик субъекти фаолиятига аралашувини чеклаш, лицензиялаш ҳамда рухсат бериш тартибини соддалаштириш, товарлар (хизматлар)дан эркин фойдаланишни таъмин-

лаш, шунингдек, ҳудудларда зарур инфратузилмани яратиш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда [1].

Мамлакатимизда инвестициявий жараённи назарий жиҳатдан таҳлил қилиш инвестицияларни жалб этишнинг асосий шарти бўлган инвестиция муҳитини яратиш имкониятларини ўрганиш, иқтисодий инвестициялар жалб этиш ва унинг самарадорлигини ошириш ҳамда аҳоли турмуш даражасини оширишни ҳозирги давр шарт-шароитига мос тарзда такомиллаштириш ва инвесторларнинг жаҳон бозорига кириш йўллари қидириш заруратидан келиб чиқмоқда. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, “жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқа-

роп ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги десак, муболаға бўлмайдими” [2].

Инвестиция билан бирга турли соҳа ва тармоқларга, ҳудудларга янги технологиялар, илғор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кириб келади, тадбиркорлик жадал ривожланади. 2020 йилда 202 триллион сўм асосий капиталга бўлган инвестициялар ўзлаштирилган. Уларнинг 65,5 фоизи жалб этилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилган, корхона, ташкилот ва аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган, умумий сумма эса 34,6 фоизни ташкил этди.

Бунда 86 триллион 647 миллиард сўм ёки асосий капиталга инвестицияларнинг 42,9 фоизи хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобидан ўзлаштирилган. Жами хорижий инвестиция ва кредитлар таркибида хорижий инвестициялар 32 триллион 847 миллиард сўмни ташкил этган ва қолган 53 триллион 799, 8 миллиард сўм хорижий кредитлар ҳисобига тўғри келган. Бу борада тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 28 триллион 740 миллиард сўмни ташкил этган ва 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 5,3 фоиз пунктга камайиб, 14,2 фоизни ташкил этган. Ушбу кўрсаткичлар 2021 йилда жами 10 миллиард доллардан ортиқ, жумладан, 8 миллиард 100 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ҳисобидан ўзлаштирилган.

Бунинг натижасида 318 та йирик ва 15 мингдан зиёд ҳудудий лойиҳалар амалга оширилиб, 273 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилган. Янги корхоналар жами 1 миллиард доллардан зиёд экспорт ва 530 миллион долларлик импорт ўрнини тўлдириш имкониятига эга. Албатта, коронавирус пандемияси ҳали ҳамон иқтисодий жараёнларга жиддий таъсир ўтказмоқда. Шунга қарамай, экспортда изчил ўсишга эришилмоқда. Хусусан, 2020 йилда мамлакатимизда экспорт миқдори 9 миллиард доллардан ошган бўлса, 2021 йилда 12 миллиард долларни ташкил этган. Эътиборлиси, бунда тайёр ва яримтайёр маҳсулотлар улуши сезиларли кўпайган [3].

Иқтисодиётимиз юксалтирилишида иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишлари сифатида ишлаб чиқариш ва инвестиция фаолиятини рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда келгусида такомиллаштириб бориш зарурдир. Чунки юқорида таъкидланганидек, чет эл технологияларини олиб келиш ва комплекс замонавий қўшма корхоналарни барпо этиш, корхоналарни техник-технологик янгилаш асносида рақобатбардош маҳсулотлар

ни ишлаб чиқиш, уларни ташқи бозорда ўз харидорларига эга бўлишини таъминлаш лозим.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Инвестицияларнинг иқтисодий мазмуни, моҳиятини ўрганишга бағишланган илмий адабиётлар қаторида хориж олимлари билан бир қаторда Фарб олимларидан К.Макконнелл фикрича, инвестиция ишлаб чиқариш ва жамғариш воситалари, асбоб-ускуналар, машина, завод-фабрика, транспорт воситалари, товар ва хизматларни истеъмолчига етказиб бериш тизими жараёндир [4].

Р.Кэмбелл инвестицияларнинг туб моҳиятини ёритиб берган, инвестициялар ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш воситаларини тўплаш ҳамда моддий захираларни кўпайтириш харажатларидир, деб берилган таърифни амалий-назарий жиҳатдан ифодалаб беради [5].

Д.М.Розенберг “Инвестициялар” луғатида инвестицияларга таъриф берар экан, “инвестиция кўпайтириш, даромад олиш ёки капитал ўстириш мақсадида пул сарфланишидир” деган фикрни беради [6].

Миллий иқтисодиётдаги инвестицияларнинг ролига баҳо бериб, россиялик иқтисодчи олим Е.В.Михайлова “инвестициялар келажакда даромад ёки ижтимоий самара олиш мақсадида капитални ҳар қандай шаклда кўйиш сифатида ифодаланади” деган фикрни илгари сурди [7].

Мамлакатимиз иқтисодчиларидан академик С.С.Ғуломовнинг фикрига кўра, инвестиция деб, ҳар бир инвесторнинг ихтиёридаги молиявий, моддий ва ақлий бойликларни бирламчи иқтисодий самара олиш мақсадида бирор-бир инвестицион объектга сарфлашига айтилади [8].

Бу тушунча Д.Ғозибеков берган таърифга кўра, инвестициялар ноаниқлик эҳтимоли бўлган ва келгусида кутилаётган қийматга капиталнинг аниқ бўлмаган бугунги қийматини алмаштиришдан иборат. Бунинг далили сифатида инвестицияларнинг сафарбар этилишида уларнинг онгли равишда аниқ ва ноаниқ бўлган қалтисликлар билан боғланишини келтиради [9].

А.Собировнинг эътирофи этишича, инвестициялар даромад олиш ёки ижтимоий самарага эришиш мақсадида тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари объектларига инвесторлар томонидан кўйиладиган мулк ва интеллектуал қадриятларнинг барча турларини ифодаловчи маблағларнинг киритилишидир [10].

Бизнинг фикримизча, юқорида келтирилган муаллифларнинг “Инвестиция” тушунчасига берган таърифлари ҳозирги шароит ва бозор иқтисодиёти талабларига мос келади. Барча таърифлар инвестициянинг иқтисодий мазмунини очиб берган.

Тадқиқот методологияси. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб

этишни такомиллаштириш бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотлар, хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, статистик маълумотларни иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гуруҳлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларидан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари белгиланар экан, унга кўра инвестиция базасини ривожлантириш ва такомиллаштириш ислохотлар стратегиясининг муҳим шарти сифатида баҳоланиши 1-жадвалда келтириб ўтилган.

1-жадвал

Ўзбекистонда инвестиция базасини ривожлантириш ва чуқурлаштириш стратегияси

Иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш ва мамлакат экспорт имкониятини кенгайтириш кучли инвестиция сиёсатини ўтказиш биланги рўёбга чиқади ва қуйидагиларни талаб этиш билан белгиланади:	
Биринчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш борасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат ўтказиш	Иккинчидан, республика иқтисодиётига кенг жалб этиш учун ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни янада такомиллаштириш
Тўртинчидан, маблағларни энг устувор соҳаларга, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга сарфлаш	Учинчидан, хорижий сармоядорларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини ўтказиш

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Маълумки, жаҳондаги бирон-бир давлат хорижий сармояларни жалб қилмасдан туриб, тараққиёт ҳамда иқтисодий ривожига эриша олган эмас. Шу боис ҳам бу иш мамлакатимизнинг иқтисодий сиёсатида устувор йўналишлардан бирига айланган. Ўзбекистон Республикасида бу сиёсат қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилмоқда:

- ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш;
 - республика иқтисодиётига капитал маблағларни жалб этишни таъминловчи ҳуқуқий асос, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни шакллантириш;
 - жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган технологияларни етказиб берувчи ҳамда иқтисодиётнинг замонавий тузилмаларини барпо этишга кўмаклашувчи хорижий сармоядорларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини мунтазам равишда юритиш;
 - маблағларни рақобатбардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш билан боғлиқ энг муҳим устувор йўналишларга сарфлаш.
- Бу борада мамлакатимиздаги мавжуд қонунчилик хорижий сармоядорларга бир қатор кафолат ва имтиёзлар беришни таъминлайди. Шу ўринда хорижий инвестицияларнинг иқтисодиётимизда зарурлигини эътироф этган ҳолда, хорижий сармоядорларнинг Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган инвестицион сиёсат, қонун устуворлиги, энг асосийси, тўлов қобилиятига қодир кучли шерик сифатида ишончларини қозониш лозим. Бунинг учун иқтисодиётимизга хорижий инвестицияларни, асосан, тўғридан-тўғри капитал сармоялар кўринишида кенг жалб этиш учун ҳуқуқий,

ижтимоий-иқтисодий ва бошқа зарур шарт-шароитларни яратиш, кўшма корхоналар ташкил этилишига кўмаклашиш, шунингдек, инвесторлар манфаатлари ҳимоя қилинишини такомиллаштириш зарур.

Албатта, мамлакатга инвестиция киритаётган ҳар бир хорижий инвестор унинг бой имкониятлари билангина эмас, балки:

- авваламбор, республикада ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлиги;
- иқтисодий тараққиёт истиқболларининг аниқ-равшанлиги;
- республикада ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг изчиллиги;
- хорижий сармоялар тўғрисидаги қонунларнинг имтиёзли шартлари тўғри белгиланганлиги билан ҳам уларда қизиқиш уйғотмоқда.

Хорижий инвестицияларни жалб этар эканмиз, ички жамғарма манбаларини сафарбар этмасдан ва корхоналарнинг ўзлари фаол инвестиция ишлари билан шуғулланмасдан туриб, иқтисодиёт тузилмасини тубдан ўзгартириш вазифасини ҳал қилиш қийин бўлади. Инвестиция сиёсатида асосий эътибор корхоналарни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қайта қуриш ва техник қайта қурулантириш учун маблағ қидириб топишни рағбатлантиришга қаратилмоғи лозим.

Мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб этилар экан, бунда бизнинг асосий вазифамиз хорижий мамлакатлардан киритиладиган сармояларни ишга солиб, хомашё етказиб берадиган минтақадан тайёр маҳсулот чиқарадиган мамлакатга айлантириш орқалигина биз ўз олдимизга кўйган мақсадга эришган бўламиз.

Ислохотларнинг дастлабки босқичида хорижий сармояларнинг миллий иқтисодиётга киритилиши тадбиркорликнинг келажаги сифатида баҳоланди. Ушбу имкониятдан фойдаланиш қандай натижалар бериши асосланди. Белгиланган тадбир ва вазифаларнинг ечимини таъминлаш борасида амалий қадамлар қўйилди. Хорижий сармояларни жалб этиш тадбирларини амалга оширишда олдиндан белгилаб олинган тамойилларга асосланган ҳолда инвестицияларни жалб этиш учун имтиёзларнинг кенг тизими вужудга келтирилди. Хорижий сармоядорлар учун имтиёзли солиқ жорий этилди. Имтиёзлар ва рағбатлантириш омиллари белгиланди. Бу борада қуйидагиларни келтириш жоиз:

- ишлаб чиқариш ҳажмида товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти камида 30 фоизни ташкил этадиган корхоналарга, мулкчилик шаклидан қатъи назар, фойда солиғини амалдаги ставкалардан икки баробар кам тўлаш ҳуқуқи берилди;
- Республика давлат инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича солиқлар тўлашдан беш йил муддатга озод этилди;
- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар даромадининг ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва технологияни янгилашга сарфланадиган қисми солиқдан озод этилди;
- ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни рухсатномасиз четга олиб кетиш имконияти берилди;
- Ўзбекистон ҳудудида қўшма корхоналарнинг ва фақат хорижий сармоя билан ишлайди-

ган корхоналарнинг устав фондига ҳисса қўшиш учун мол-мулкни четдан бож тўловларисиз олиб кириш рухсати берилди;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг, жумладан, хорижликларнинг давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнида, шу жумладан, кўчмас мулкнинг кенг миқёсда сотилишида бемалол иштирок этишлари таъминланди.

Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер участкаларидан фойдаланиш ва уларни тасарруф этишни танлов асосида сотиб олиш белгиланди. Булар билан бирга хорижий инвесторларга уларнинг мол-мулкларини давлат ихтиёрига олиш ва мусодара қилишдан халос этиш учун кафолатлар берилди. Уларнинг ўз фаолияти натижасида олган фойдаси ва бошқа пулларни чет элларга ўтказишлари, олинган фойдани республика ҳудудида қайта инвестиция тарзида фойдаланиш, республика банкларида ўз ҳисоб рақамига ва унда ҳар қандай валютада чекланмаган миқдорда маблағга эга бўлиш имконияти кафолатланди.

Мамлакат иқтисодиётига чет эл сармоясини жалб этиш ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий жиҳатларидан бири бўлиб, бунинг учун эса авваламбор, жойларда қулай шароит, яъни инфратузилма яратмоқ лозим. Чунки кимки ўз фаолиятида чет эл сармоясидан фойдаланишни истаса, шунга яраша инфратузилма яратиш керак. Хорижий инвестицияни иқтисодиётга жалб этишнинг яна бир йўли ишлаб турган завод ва фабрикалар негизида қўшма корхоналар ташкил этишдан иборат.



2-расм. Хорижий инвестициялардан кутиладиган самара

Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Иқтисодий ислохотларнинг иккинчи босқичида, чет эл сармояларини жалб этиш амалиёти натижаларини инобатга олган ҳолда, уларнинг тез фойда келтирадиган соҳаларга кириб келганини ҳисобга олиб, инвестицион фаолиятни рағбатлантирувчи тизимни жорий этишга қаратилди. Ишлаб чиқаришни юксалтириш мақсадида корхоналар ва аҳоли инвестиция фаолиятини рағбатлантиришнинг бақувват механизмини вужудга келтириш вазифаси қўйилди.

2-расмда келтирилган хорижий сармоялар самараларини тинимсиз давом эттириш мумкин, чунки хорижий шериклар билан мулоқот юритиш, улар билан қўшма фаолият олиб бориш миллий иқтисодиётимизда туб тузилмавий ўзгаришларга олиб келади, мамлакат қудратини оширади, миллий валютамиз мавқеини мустаҳкамлайди, фаровонликни таъминлайди, турмуш тарзимизни яхшилади. Энг асосийси, ҳар бир шахс ўз имкониятларини кенгайтиради, бахтли ҳаёт кечирishга замин яратади, келажак авлод турмуш фаровонлигини таъминлайди, Ўзбекистон ривожланган мамлакатлар қаторига кўтарилади, ҳар бир тадбиркорнинг “бели бақувват” бўлади, чексиз имкониятларга эга бўлади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг иккинчи босқичида асосий эътиборни иқтисодиётимизда тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириш ва тез суръатларда сафарбар этилган хорижий сармоялар эвазига рақобатбардошли моддий неъматларни ишлаб чиқаришга қаратилди. Бунинг учун ички сармояларни сафарбар қилиш ва хорижий сармояларни кенг жалб этиш билангина туб тузилмавий ўзгаришларга эришиш мумкин.

Дарҳақиқат, хорижий шериклар билан мулоқот бошланганда, албатта, улар шерик сифатида сармоя ажратишга тайёр бўлса ҳам, авваламбор, ўзга шерик имкониятлари билан қизиқиши табиийдир. Шунинг учун ҳам юртбошимиз ички имкониятларни, яъни ички сармояларимизни сафарбар қилиш билан бирга хорижий сармояларни кенг равишда жалб этиш тўғрисида бош қотиришни тавсия этади [10].

Хукуматимиз томонидан хорижий сармояларнинг қай даражада жалб этилиши охир-оқибатда иқтисодиётимиз келажagini кўп жиҳатдан аниқлаб бериши тўғрисидаги ғоя илгари сурилади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда иқтисодиётимизнинг келгуси ҳолати кўп жиҳатдан биз бугун хорижий сармояларни қай даражада кўпроқ жалб этишимизга боғлиқ. Бу борада хорижий сармоялар, биринчи навбатда, янги технологияларнинг жорий этилиши ва янги қувватларнинг ишга туширилишига қаратилиши кўзда тутилади.

Хорижий сармояларга баҳо берилганда, уларнинг жуда қийинчилик билан ва узоқ вақт

мобайнида белгиланиши, ўзининг йўналишини танлов асосида ўзгартириши ҳамда тикилган сармояни кўпайтириши зарурлигини тан олган ҳолда, мумкин бўлган йўқотишлар ҳам бўлишини, аммо капитал капитални кўпайтириши, фойдали тарзда маблағ йиғиб, ундан қўшимча фойда олиши мумкин бўлган майдонни қидиришини, капитал шунчаки ҳаракатсиз ётмаслигини таъкидлаш мумкин.

Албатта, ҳамма бизнес қилишни, айниқса, сармоядорлар ўз бойлигига бойлик қўшишни истади. Бу эса ўз навбатида, сармояларни жалб этиш учун шароит яратилишини талаб этади. Бунинг учун, энг аввало, сармоядорнинг мазкур минтақада мавжуд сиёсий барқарорликка, бу давлатда қабул қилинган қонунлар, ҳуқуқий меъёрлар ҳар бир капитал эгаси олишни истаган фойда, даромадни кафолатлашига ишонч ҳосил қилишига боғлиқ.

Қўшимча қилиб айтиш мумкинки, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар киритилаётган минтақадаги имкониятлар, малакали ишчи кучи мавжудлиги, ресурслар нарх-навоси, инфратузилманинг ривожланиш ҳолати, ахборот ишончилиги, хизмат кўрсатиш, яъни алоқа, транспорт ривожланиш ҳолати ва истиқболи ҳамда жозибали лойиҳаларнинг мавжудлиги инвесторлар қизиқишини янада орттиради.

Инвестиция фаолиятини тартибга солиш, ҳуқуқий нуқтаи назардан, турли мулкдорлар ўртасида моддий ва номоддий активларни такрор ишлаб чиқариш хусусидаги ўзига хос, мураккаб, ижтимоий зарур иқтисодий (инвестиция) муносабатларини шакллантириш меъёрларини назарда тутати. Инвестиция жараёнининг барча субъектлари – хорижий инвесторлардан бошлаб, давлат, юридик ва жисмоний, шу жумладан хорижий шахслар бу муносабатларнинг иштирокчиларига айланадилар. Ҳуқуқий нуқтаи назардан чет эл инвестициялари бошқа давлат ҳудудида капиталга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш билан боғлиқ. Иқтисодий нуқтаи назардан эса уларнинг ҳудудий, замон ва макондаги ҳаракати шакллари фойда олиш мақсадида кўпдан-кўп қўшимча рисклар билан тўқнашиш эҳтимолига эга бўлади.

Хулоса ва таклифлар. Мазкур мақолада қуйидаги хулоса ва таклифларни шакллантиришга муваффақ бўлинди:

Инвестиция муносабатларининг моҳияти бу фаолият иштирокчилари доираси ва даражасида ўз ифодасини топади. Инвестиция фаолияти ривожланишининг объектив шароитларини акс эттирадиган алоҳида инвестиция муносабатларининг мавжудлиги тартибга солишнинг мустақил предмети бўлишини тақозо этади.

Хуқуқ нуқтаи назаридан инвестиция фаолиятини тартибга солиш умумий ҳуқуқий ва хусусий ҳуқуқий тартибга солиш меъёрларини қамраб олади. Бу меъёрларнинг бирлиги ижтимоий ва алоҳида инвестиция муносабатларининг характери ҳамда моҳиятини ифода этади ва уларни тартибга солиш усулига айланади. Тартибга солиш усуллари ҳуқуқ меъёрларининг ҳам алоҳида, ҳам ижтимоий зарур инвестиция муносабатлари характерига ўзига хос тарзда таъсир кўрсатиш йўлларида иборат.

Мамлакатимизда хорижий инвестициялар жалб этиш йўллари янада такомиллаштириш мақсадида қуйидаги таклифларни келтириш мумкин:

- ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш борасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат ўтказиш зарур. Бунда товарларни экспорт ва импорт қилишда хорижий сармоядорлар даромадларидан эркин фойдаланишларида бирмунча имтиёзли тартибни жорий қилиш;

- хорижий сармояларни, асосан, бевосита капитал маблағлар тарзидаги сармояларни республика иқтисодиётига кенг жалб этиш учун ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни янада такомиллаштириш;

- Ўзбекистонга жаҳон даражасидаги технологияларни олиб келадиган халқ хўжалигининг замонавий тузилмасини вужудга келтиришда ёрдам берадиган хорижий сармоядорларга нисбатан очик эшиклар сиёсатини ўтказиш;

- маблағларни энг устувор соҳаларга – республика мустақиллигини таъминлайдиган аграр сектор, ёқилғи-энергетика комплекси ҳамда бошқа базавий тармоқларни ривожлантиришга, рақобатга қодир, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга сарфлаш лозим.

Чунки иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қурмай туриб, экспорт имкониятларини кенгайтириш мумкин эмас;

- жаҳонда юз бераётган тенденциялар таҳлили натижаларига кўра, ривожланган мамлакатларнинг барчасида қишлоқ хўжалиги қайсидир маънода давлат томонидан рағбатлантирилади ва уларга ҳар йили давлат бюджетидан субвенция дотациялар ажратилади. Қишлоқ хўжалиги соҳасининг бошқа соҳаларга қараганда инвестицион жозибадорлигининг пастлиги туфайли ҳам инвесторлар кўпинча ўз маблағларини юқори даромад келтирадиган соҳага йўналтиришга ҳаракат қилишади;

- эркин иқтисодий зоналарда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида семинар-тренинглар ташкил этиш;

- ҳар бир ҳудудда инвестиция фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида инновацион ғоялар каталогини яратиш;

- олимлар ва билимли зукко ёшлар билан ишлашни йўлга қўйиш, улар билан биргаликда инновацион клублар ташкил этиш ҳамда ҳудудларда ташкил этилган технопаркларда ўзларининг ғояларини амалга оширишлари учун имконият яратиб бериш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шундай ҳулосага келиш мумкинки, мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда хорижий инвестицияларни жалб этиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки жалб этилган инвестициялар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги турдаги маҳсулотни ишлаб чиқиш, маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш, импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, аҳоли бандлигини ошириш баробарида жаҳон бозорида ўз ўрнимизни эгаллаш учун асосий воситалардан бири ҳисобланади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги ПФ-5495-сонли фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазибалар ҳақида Олий Мажлисга Мурожаатномаси. [hh://www Lex. Uz](http://www.lex.uz).
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳузурида Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Стратегик ривожланиш агентлиги фаолияти муҳокамаси юзасидаги йиғилиши. 12.01.2022 й.
4. Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономика: принципы, проблемы и политика. – М., 1992. – С. 120-121.
5. Кэмбелл Р., Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономика: принципы, проблемы и политика. В 2-х томах. Таллин, 1993. – С. 399-40.
6. Розенберг Д.М. Инвестиции. – М.: Инфра, 2007. – 173 с.
7. Михайлова Е.В. Финансовые рынки и их формирование. Под. Ред. Л. Н. Красавиной. – М., 2007, с. 357.
8. Менежмент ва бизнес асослари. Дарслик. С.С.Фулмоновнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Меҳнат.
9. Ғозибеков Д. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: Молия, 2003.
10. Собиров А. Ўзбекистон Республика иқтисодиётига инвестициялар жалб этишни давлат томонидан тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: ТДИУ, 2009. 12-б.